

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 631.53.02

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ
МАГИСТРАНТИ**

Нишонов Аскар АНВАРОВИЧ

5A430101 - «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (деҳқончилик)»

**Ерёнғоқ ва бошқа донлар қобиғини ажратиш қурилмаси асосий
параметр ва режимларини асослаш
мавзусидаги**

Магистр академик даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар: т.ф.н., доц.
Д.Алижанов**

Тошкент-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	9
I БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	12
1.1. Ерёнғоқ пўстлоғини ажратиш қурилмалари конструкциялари ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари.....	12
1.2. Ерёнғоқ пўстлоғини ажратиш қурилмалари конструкциялари шарҳи ва таҳлили	16
II БОБ ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ.....	30
2.1 Тадқиқот ўтказилган жойнинг шароити	30
2.2 Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари	30
2.3 Тадқиқот услуги	31
III БОБ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУХОКАМАСИ	33
3.1 Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш учун босимни қўллашга оид аниқлаш.....	33
3.2. Ерёнғоқ физик-механик хусусиятларини	36
3.3 Ерёнғоқ меваси ичида ҳаво бўшлиғи ҳажмини аниқлаш.....	46
3.4 Наматак меваси физик-механик хусусиятларини аниқлаш	51
3.5 Экспериментал тадқиқотлар асосида наматак мевасининг қисмларининг массалари назарий моделларини олиш.....	61
3.6 Ерёнғоқ ва бошқа шунга ўхшаш донлар қобиғини ажратиш қурилмасининг конструктив-технологик схемасини ишлаб чиқиш.....	67
3.7 Ерёнғоқ ва бошқа шунга ўхшаш донлар қобиғини ажратиш қурилмаси лаборатория намунасини тайёрлаш ва бошланғич экспериментлар ўтказиш.....	83
IV ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ.....	88
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96
ИЛОВАЛАР.....	101

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувар йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида [1] Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон этиштиришни 16,4 % га ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 % га, сабзавотни 30% га, мева ва узумни 21,5% га, гўшт етиштиришни 26,2% га, сутни 47,3%, тухумни-74,5% га кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда мана шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ортишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалишида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигини миллий даромаддаги улуши 35 фоиздан зиёдни ташкил этади, шунинг учун, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биридир. Қишлоқ хўжалигини механизациялашда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш учун барча ишларни агротехника талабларига риоя қилган ҳолда энг мақбул муддатларда бажариш лозим, бу эса меҳнат ва моддий ресурс харажатлари сарфини кескин камайишига олиб келади.

И.А.Каримов ўз асарида глобал молиявий инқироз ортиқча ликвидлилик ва юқори даражада интеграллашган халқаро молия тизимининг натижасида юзага келди ва жаҳон иқтисодиётини рецессияга учрашига олиб келди. Аввалги молиявий инқирозлардан олинган сабоқлар мамлакатларга инқирознинг кескин чуқурлашиб кетишини олдин олишга қаратилган тезкор чора тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берди [1].

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб,

маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги улуши 46,5 фоизга тенг, озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Сут, гўшт ва тухум маҳсулотларида инсон организмига керакли бўлган барча ҳаёт бахш озиқ моддалари билан таъминлайди. Жун, тивит ва тери эса сифатли кийим – кечак ҳамда оёқ кийимлар тайёрлашда бебаҳо хом ашё ҳисобланади. Истеъмол қилинаётган сут ва гўшт маҳсулотларининг асосий қисми хорижий давлатлардан олиб келинмоқда. Республикамизда ҳам ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришга ҳар доим эътибор берилган. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги №308, №842 ва бошқа қарорлар ҳамда “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” асарида кўрсатиб ўтилган таъминотларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. 2006-2010 йилларга мўлжалланган Дастурларнинг бажарилиши чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш билан бир қаторда паррандачиликни ҳам ривожлантирди [2].

Республикамиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик ва балиқчиликда сифатли маҳсулотлар етиштириш ва уни кўпайтириш учун илғор технологиялар ва уларни таъминлайдиган замонавий машиналар кенг жорий этилмоқда.

Бундай машиналардан кенг ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини тўлиқ механизациялаш бугунги кун талабидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бир меъёردа ўсишини таъминлаш - қишлоқ хўжалигининг асосий масалаларидан биридир.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқариш учун дастлаб фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш лозим. Чорвачилик меҳнат унумдорлигини ошириш – мол боқиш ва чорвачиликда меҳнатни

ташкил килишни илгор усуллардан фойдаланиш. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришдан иборат. Хорижий давлатларни илгор технологияси, илгор хўжаликларни ривожланиши ва улар учун ишлаб чиқарилган янги ва кичик улчамли техника воситалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» қарорида «Хўжалик юритиш ташкилий ҳуқуқий шакллари фермер ва деҳқон хўжаликларида сақлаб, фермер хўжаликларини ривожлантириш приоритет сифатида белгилансин, улар келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи асосий субъект бўлиши керак» деб кўрсатилган [2]

Республикаимиз аграр сиёсати биринчи навбатда қисқа вақт ичида аҳолининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қаратилган. Ҳозирги кунда фермер хўжаликларида долзарб муоммалардан бири меҳнат талаби катта технологик жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳисобланилади. Чунки, фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликларда кичик механизация воситаларининг етишмаслиги натижасида асосий технологик жараёнларда қўл меҳнати кўплаб ишлатилиши кичик ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар самарадорлигини пасайтирмоқда. Шу сабабли фермер хўжаликлари учун кичик механизация воситаларини ишлаб чиқиш ва яратиш ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга.

Магистрлик диссертацияни бажаришда юқорида қайд қилинганлардан келиб чиқиб асосий истиқболли йўналишларидан бири энергия ва металл сарфи кам кичик иш унумли, қишлоқ хўжалик экинлари пўстлоғини шикастлантирмасдан сифатли ажратиш ва бошқа ажратгичларга нисбатан 1,5 марта энергия сарфи кам сарфлайдиган, такомиллаштирилган ажратгич конструкциясини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Ерёнғоқ пўстлоғини ажратиш қурилмалари конструкциялари ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари

Ҳозирги кунда Республикамизда фермер хўжаликлари интенсив ривожланмоқда. Бунга республикамиз раҳбарлари ва шахсан Республика Президентининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги қишлоқ меҳнаткашларига хўжалик ишларини олиб боришида шарт-шароит яратиш бўйича ҳамкорликлар илҳомлантирмоқда [2; 3; 4].

Фермер хўжаликларига Республика Олий Мажлиси томонидан ишлаб чиқилган бир қатор қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари, банклар томонидан берилаётган микро ва макро кредитлар, лизинг хизматининг ташкил этилганлиги ва бошқа яратилган шарт-шароитлар сабаб бўлмоқда [2;3;4]. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш кўпчилик фермер хўжаликларига кичик ўлчамдаги техника воситаларининг етишмаслиги кузатилмоқда. Бундай ҳолат кўпчилик технологик жараёнларни қўл меҳнати билан бажаришга ва натижада маҳсулот тан нархининг ошиб кетишига олиб келмоқда.

Юмшоқ-пўстлоқли қишлоқ хўжалик маҳсулотлар экинлари (ерёнғоқ, семечка, қалампир, бўлғор қалампери ва бошқ.) асосан кам миқдордаги майерёнғоқларда ёки иккинчи экин сифатида экилади ва уларни етиштириш, йиғиштириш ва бирламчи ишлов бериш масалалари механизациялаштирилмаган. Юмшоқ-пўстлоқли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш ва аҳолига маҳсулотларини етиштириб беришни ривожлантириш илм-фан ва ишлаб чиқариш ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш билан боғлиқдир.

Юмшоқ-пўстлоқли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва

уни озиқ-овқат учун тайёрлаш техникасини ривожлантириш механика соҳасидаги катта илмий янгиликлар билан боғлиқ ва унинг натижасида кўплаб ҳар хил турдаги машиналар ихтиро қилинган.

Фермер хўжаликларида етиштирилган юмшоқ-пўстлоқли мевали экинлар хосили уларнинг қобиғини ажратиш, навлаш қадоқлаш ва сотувга чиқариш учун махсус корхоналарга топширилади. Бундай корхоналарда катта иш унумдорликдаги, металл ва энергия сиғими катта машина ва қурилмалар қўлланилади. Улардан кичик фермер хўжаликлари учун фойдаланиш яхши самара бермайди.

Сўнги пайтларда маҳаллий аҳоли ҳар хил бошқа жараёнларга мўлжалланган машиналарни мослаштириб қўлламоқдалар. Улардан амалиётда фойдаланиш натижасида кузатишлар мевалар қобиғини сифатсиз ажратиш, майда бўлакчаларнинг кўпайиб кетиши, тез ишдан чиқиши, ишчи қисмларнинг тез ейилиши каби қатор камчиликлар аниқланган.

Республикамиз олимлари томонидан кичик фермер хўжаликлари оиласи учун кичик партиядаги юмшоқ-пўстлоқли қишлоқ хўжалик экинлар ерёнгоқлари қобиғини ажратишга мўлжалланган машиналар яратиш бўйича олиб борилган илмий-ишлар [5,6;7;8] яратилаётган машиналарда технологик ва техник жиҳатдан қатор камчиликлар бор эканлигини кўрсатди.

Дунёнинг етакчи компаниялари томонидан тизимли равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жумладан ерёнгоқли маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича саноат даражасида ишлаб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, «Alifar agroimpeks and Engineering» компания томонидан ишлаб чиқарилган АЛМ-700 қурилмаси.

АЛМ - 700 қурилма – ер ёнғоқ пустлоғини янчиш ва калибровкакалаш учун мўлжалланган.

Техник характеристикаси:

- иш унумдорлиги – 700 кг/с;
- янчилиши - 99%;
- ядро майдаланиши - 3%;
- ядро тозаланиши - 97%;
- йўқотилиши - 0,5%;
- ядро зарарланиши - 3%;
- калибровкакалаш - 2 фракцияли;
- габарит ўлчамлари: 2200x1200x1800 мм;
- қуввати - 2,25 kW/с;
- кучланиш – 380 V;
- оғирлиги – 800 кг.

Асосий камчиликлари – иш унуми паст, электр энергияси сарфи кўп, пўстлоғи ажратилган ерёнгохларда чикастланиш даражаси 5-8 фоизни ташкил қилади.

АЛМ - 1200 қурилма – ер ёнғоқ, кунгабоқар, писта пустлоғини янчиш ва калибровкакалаш учун мўлжалланган.

Техник характеристикаси:

- иш унумдорлиги – 1200 кг/с;
- янчилиши - 99%;
- ядро майдаланиши - 3%;
- ядро тозаланиши - 97%;
- йўқотилиши - 0,5%;
- ядро зарарланиши - 3%;
- калибровкакалаш - 2 фракцияли;
- габарит ўлчамлари: 2600x1400x1800 мм;

- қуввати - 2,25 kW/с;
- кучланиш – 380 V;
- оғирлиги – 950 кг.

«РЫБА» қурилмаси илдизмеваларни ва ер ёнғоқли ўсимликларни тошлардан ва пўстлоғидан ажратиш учун мўлжалланган.

Техник характеристикаси:

Иш унумдорлиги – 4000 кг/с.

Қуввати - 0,75 kW/с.

Частотаси - 50 Гц.

Кучланиш - 380 V.

Россия «[foodmos](#)» компанияси томонидан ишлаб чиқилган «А-300» ва «А-300А» қурилмаларини куриб чикамиз.

Айланувчи валга ўрнатилган тозаловчи элементалар ер ёнғоқни тозалайди ва хаво турбинаси пўстлоқларини чиқариш учун хизмат қилади. Ушбу агрегат алохида ва автоматик линия тарзида ишлатиш учун мўлжалланган.

Эслатма: ҳар бир тугунлар 2 ёки 3 та пўстлоқдан ажратиш қурилмаларидан ташкил этилади, ҳар бирининг унумдорлиги 250 кг/соатдан иборат. Умумий сарфланадиган қувват 5 kW ни ташкил этади.

Ер ёнғоқ пўстлоғини ажратиш автоматик- техник кўрсаткичлари:

1.1-жадвал

МОДЕЛЬ	«А – 300»	«А – 300 А»
Умумий узунлиги (см)	150	150
Максимал кенглиги (см)	120	120
Максимал баландлиги (см)	180	180
Номинал кучланиши (V)	400 V 230/3/50 Hz	
Умумий қуввати (KW)	2,75	2,75
Оғирлиги (кг)	245	245
Иш унумдорлиги (кг/соат)	300	300
Шовқини (dBa)	< 80	
Титраши (вибрация) (dB)	< 50	

Юқоридаги келтирилган қурилмаларни умумий бажарадиган функцияларини, олиб бориладиган жараён тартибини ва ишлаш принципларини кўриб чиқайлик. Юқорида кўриб чиқилган ер ёнғок пўстлоғини ажратиш қурилмаларининг асосий камчиликлари энергия сарфи катта, ер ёнғок ер ёнғоқи чикастланиш даражаси катта.

1.2. Ер ёнғок пўстлоғини ажратиш қурилмалари конструкциялари шарҳи ва таҳлили

Ер ёнғокни фракцияларга ажратиш, яъни колибровкалаш бир нечта мақсадни кўзда тутди:

- ўлчамлари бир-бирига яқин бўлган ер ёнғоклар учун қобиғини ажратиш машиналари учун ишчи органни аниқ танлаш, натижада ер ёнғок қобиғини ажратиш самараси ортади;

- айрим ҳолларда қобиғини ажратиш жараёнидан сўнг ажратилган ва ажратилмаган ер ёнғокни ажратиш таъминланади;

- колибровкаланган ер ёнғок қобиқ ва қипиқларни ажратиш.

Ер ёнғокларни колибровкалаш учун ер ёнғок саралагичлар ва элақлар қўлланилади; ер ёнғок саралагичлар авзаллиги — юқори аниқликда колибровкалаш, камчилиги эса кичик иш унумли.

Ер ёнғокларни саралаш элақлари 4 технологик схемага эга: ер ёнғокни колибровкалаш учун кўп ҳолатларда 1 ва 2 технологик схемалардаги элақлардан фойдаланилади. Элақларнинг авзалликлари уларнинг юқори (эксцентриситет ва тебраниш частотаси) ростлаш имконлигида, улар саралаш самарадорлигини оширади.

Ер ёнғокнинг қобиғини ажратиш

Ер ёнғокнинг қобиғини ажратиш операцияси ер ёнғок устидаги плёнка қатламни ажратишга тушунилади. Ташқи қобиғини ажратиш бир неча

узуллари мавжуд, улар ер ёнгоқнинг тузилиши, ер ёнгоқ асоси билан қобиғини оралиғида боғлиқлик тузилиши, ядроси мустақамлиги, ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ассортименти, яъни ер ёнгоқ ядроси бутун ёки майдаланган маҳсулот олаётганлиги. Ер ёнгоқ қобиғини ажратишда мумкин қадар ер ёнгоқ ядроси майдаланмаган маҳсулот олишга интилинади.

Ишчи органларнинг ер ёнгоқга таъсири, яъни унинг натижасида қобиғининг бузилишида ер ёнгоқ ер ёнгоқи қобиғини ажратиш учта услуби мавжуд.

Биринчи услуб ер ёнгоқни сиқиш ва суришга асосланган. Бундай таъсир этиш икки етарли қаттиқ юзалар оралиғида амалга оширилади. Уларнинг оралиғи ер ёнгоқнинг ўлчамидан кичик бўлиб ер ёнгоқнинг сиқилишини таъминлайди. Ишчи юзаларнинг нисбий ҳаракатланиши, яъни уларнинг бири ҳаракатланади, иккинчиси ҳаракатланмайди ёки иккиси ҳам ҳаракатланади, лекин ҳар хил тезлик билан ҳаракатланади, натижасида ер ёнгоқ қобиғининг сурилиши ва ер ёнгоқ ядросидан ажралишига олиб келади. Бундай услуб ядролари қобиғи билан бирлашиб кетмаган ер ёнгоқлар (шоли, гречка, сули, тарик) учунгина самаралидир.

Бу услубни амалга ошириш асосий машиналари – бу қобиғини ажратиш постави, валецли-декали станок ва резина билан қопланган валецли қобиғини ажратгичлар.


Иккинчи услуб-ер ёнгоқнинг плёнкасини ажратишда бир марта ёки кўп марта қаттиқ юзаларга ер ёнгоқларни уриш натижасида қобиғини ажратишга асосланган. Бу услуб ер ёнгоқ қобиғининг ядроси керакли миқдорда пластик бўлган ва уришда синмайдиган донларда (масалан сули дони) кўпроқ қўлланса бўлади. Мурт ядроли ер ёнгоқларни гречка, шоли, бундай услубда қобиғини ажратиш мумкин эмас, чунки ер ёнгоқ ядроси уриш натижасида майдаланилади. Агар мурт ядроси ер ёнгоқлардан майдаланган маҳсулот (перловка, арпа ва бошқалар) олиш керак бўлса унда ядроси қобиғи билан бирлашиб кетган ер ёнгоқлардан ҳам (арпа, буғдой) кўп марталаб зарба бериб уришлар билан қобиғини ажратиш мумкин бўлади.

Юқорида қайд этилганларидан келиб чиқиб бир марта уриш услубида ерёнгоқ қобиғини ажратишни сули донига қўллаш мумкин ва у учун асосий машиналар марказдан қочма қобиғини ажратгич.

Кўп марталаб зарба бериб уриб қобиғини ажратиш кўпроқ сули, арпа, буғдой, макка донларига қўллаш мумкин ва асосий машиналар қобиғини ажратиш ва бичли машиналар.

Қобиғини ажратишнинг учинчи услуби ғадир-будир юзаларда ҳаракатланаётган донларни ишқаланиши натижасида аста-секин йўниш ва киришга асосланган. Бундай услуб кўпроқ едон ядросини билан қобиғи бирлашиб кетган ерёнгоқлар (арпа, буғдой, горох ва макка) учун фойдаланилади.

Қобиғини ажратиш учун асосий машина-қобиғини ажратиш шлифовкалаш А1-ЗШН-3 машинасидир. Дон қобиғини ажратиш услублари 5-расмда келтирилган. [11,12;13;14]




1.5-расм. Донлар қобиғини ажратиш схемалари:

а-сиқиш ва суриш билан қобиғини ажратиш; б-кўп ёки бир марта;

в-қобиғини интенсив ишқалаш ёрдамида ажратиш.

Ерёngoқни сиқиш ва суриш билан қобиғини ажратиш.

Ерёngoқ қобиғини ажратиш постави (1.6-расм) асосида сули ва шоли қобиғини ажратишда ишлатилади. Машина ишчи органлари – 100 ёки 1200 мм ли вертикал ўқли икки диск. Пастки диск вертикал ўқда айланма ҳаракатланади, юқориги диск қўзғалмас.



1.6 - расм. Ерёngoқ қобиғини ажратиш постави схемаси:

1-юқори қўзғалмас диск; 2-пастки ҳаракатланувчи диск; 3- таъминловчи

қурилма; 4- тўқиш нави; 5-юритма вали; 6- электродвигател; 7- оралик масофани ўзгартириш механизими; 8-юритма.

Ерёngoқ юқориги дискдаги марказий тешик орқали пастки дискга тушади ва марказдан қочма куч таъсирида марказдан узоқлашиб дисклар оралиғидаги ишчи зонадан ўтади. Дисклар оралиғидаги ўлчам ерёngoқ ўлчамидан анча кичик, шунинг учун ерёngoқ сиқилади, қобиғини ёрилади, пастки дискнинг ҳаракатланиши натижасида ёрилган қобиқ сурилади ва ядродан ажралади.


Диск айланма тезлиги 14...18 м/с. Ерёngoқ қобиғини ажратиш самарадорлигини ошириш учун дисклар оралиғидаги масофани ростлайди. Дисклар ишчи юзалари ўткир ғадир-будир бўлиши керак, шунинг учун абразив материалдан тайёрланади, кўп холларда шарх тошлари (корпунда ёки электрокорпунда) бўлакчалари майдалиги 125 ва 100 биринчи система учун ва 100 ва 80 қайта ажратиш системаси учун қўлланилади.

Абразив материал бўлакчалари майдалиги элакдан ўтказилган металл материалли элак тартиб рақами (тартиб рақам 100 га кўпайтирилади) билан аниқланади. Материалл майда бўлакчалари магнезал цемент, кералик ёки эпкосид боғловчи билан аралаштирилиб тайёрланади (Шазо А.Ю., Мартиненко Я.Ф.). [15,16;17;18]

Валец-декали станоклар гречка ва тарик ерёngoқлари қобиғини ажратишда ишлатилади (1.7-расм).

Станок ишчи органлари сифатида 600 мм ли айланма ҳаракатланувчи валец ва кўзғалмас валецли қамровчи эгри юза-дека қўлланилади. Ерёngoқнинг қобиғини ажратиш валец ва дека оралиғидаги ишчи зонада бажарилади.

Ҳар хил валец-декали станоклар конструкциясида принципиал фарқлар йўқ. Аммо, гречка ва сули ерёngoқлари шакллари, тузилиши ва физик-механик хусусиятлари ҳар хиллигидан келиб чиқиб машина ишчи органларида қатор ўзгачаклар мавжуд.



1.7-расм. Валец-декали станок ишчи органларининг жойлашиш схемаси:

а-гречка қобиғини ажратишда; б-тариқ қобиғини ажратишда:

1-валец; 2-дека; в-иккидекали валец-декали станок.

Гречка қобиғини ажратишда валец-декали станок қўлланилади. Унинг ишчи органлари валец ва декалар абразив материал (корунда ёки электрокорунда)дан тайёрланилади. Гречка ерёнгоқи уч қиррали шаклга эга бўлганлиги сабабли ишчи зона вертикал жойлашган, дека валец ён томонида жойлашган (1.7-расм,а).

Валец ва дека юзалари бир хил радиусда бўлиб валец ва дека ишқаланишидан эришилади.

Керакли оралик масофани хосил қилиш учун дека валецдан сурилади, унда оралик масофа хар хил бўлади: марказдан катта, чеккаларида кичик. Бундай шаклни серп типигаги ўроқ шаклли дейилади. Серп шаклидаги ишчи оралик қобиқ ажратиш зонасини камайтиради, ерёнгоқ қобиғини ажратиш асосан ишчи оралик босиш ва охирида амалга оширилади ва у ерёнгоқ ядроси майдаланиши олдини олади.

Сули учун валец-декали станоклар бошқачароқ ишчи органга эга: валец юзаси абразивматериал билан қопланади, дека юзалари резино-ипли пластиналардан йиғилади. Дека эластик юзаси шундай шаклга эга бўлиши мумкинки, у хар хил катталикидаги ерёнгоқларни фракцияларга ажратмасдан қобиғини ажратиши мумкин. Декани ён томондан ёки валец пастки чорагида


қўйиш мумкин. (1.7-расм,б). [www.rambler.ru]. Ишчи тирқиш шакли бошқачароқ-панасимон шаклда, яъни оралиқ тирқиш ерёнгоқ киришидан чиқишига қараб кичрайиб боради. Сули ерёнгоқи қобиғини ажратиш самарадорлигини ошириш мақсадида икки декали валец-декали станок қўлланилади (1.7-расм, в). А1-ЗРД-3 резина билан қопланган валецли қобик ажратгич шоли қобиғини ажратишда қўлланилади(1.8-расм). [19,20;21;22] Унинг ишчи органлари сифатида резина билан қопланган 200 мм ва 400 мм ли икки валецли хизмат қилади. Валецлар бир-бирига қараб 1,45:1 нисбатда ҳаракатланади. Тез ҳаракатланувчи валец тезлиги 9,5 м/с. Ерёнгоқ валецлар оралиғидаги ишчи зона тушади, сиқилади ва ишчи юзалар тезликлари фарқи хисобига қобик ядродан сурилади ва ажралади.

Бундай қобик ажраткичлар асосий авзалликлари катта иш унумдорлиги ва қобиғини ажратиш самарадорлигидир. Лекин, бундай қобик ажратгичларни фойдаланиш даврида резиналар тез ейилади. 3-5 сутка ўтгандан сўнг резина юзаларини алмаштириб туриши керак бўлади, бу эса маҳсулот таннархини оширади.

Валецлар юритмаси конструкцияси етарли даражада мураккаб. Тез айланма ҳаракатланувчан валец понасимон тасма орқали электродвигателдан, секин ҳаракатланувчан редуктор орқали ҳаракатланади. Редуктор бир вали тез ҳаракатланувчан валецга втулкали бармоқли муфта билан улашган, иккинчиси карданли узатма ёрдамида секин ҳаракатланувчан валец билан уланган, у валец етилганда бир-бирига нисбатан ҳаракатланиш имконини беради. Тўғридан-тўғри секин ҳаракатланувчи валецни тишли юритма орқали ҳаракатга келтириш мумкин эмас, чунки резиналар ейилганда валец диаметрини 180 мм гача камайтиради (яъни, ўқлар оралиғидаги масофа 20 мм қисқаради). Бундай юритма фойдаланишда қулай эмас. Резина билан қопланган валецлар гилзацини осон алмаштириш учун валец ўқи икки ярим ўқлардан тузилган. Бу ҳам валец керакли мустаҳкамлигини таъминлай олмайди. Ундан ташқари резинали юза ейилиши билан ҳар доим оралиқ масофани ростлаб туришини талаб қилади.

Қобиғини ажратгичнинг такомиллаштирилган УБШВ конструкциясида катор ўзгартиришлар киритилган. Унда ҳар бир валец алоҳида шахсий юритмадан ҳаракатлана олади, улар оралиғидаги тирқиш секин ҳаракатланувчи валецни тез ҳаракатланувчи валецга яқинлатиш ричаг ва торсга осилган юклар йиғмаси орқали стабиллаштирилади.


“Бюлер” фирмаси қобиқаажратгичи конструкцияси қизиқарли. Валецлари қисқа, узунлиги 200 ... 250 мм, консол типли. Бу валецларни алмаштиришни осонлаштиради. [www.yahoo.com, www.google.com]



1.8-рasm. Резина билан қопланган валецли қобиқ ажратгич схемаси:

1 – таъминловчи қурилма; 2 – валецларни яқинлатиш ва узоқлаштириш ҳамда ишчи тирқишини ростлаш механизми; 3;4 – юқори ва пастки валецлар; 5 – маҳсулот чиқариш жойи; 6 – электродвигател; 7 – қобиғини чиқариш ҳаво каналлари.

Юритма ва валецлар оралиғидаги масофани стабиллаштириш конструкцияси 1.9 – расмда келтирилган. Валецлар оралиғидаги масофани стабиллаштириш конструкцияси 5 – расмда келтирилган. Валецлар оралиғидаги масофа нафақат элетродвигатель оғирлиги ва пневмоцилиндр ёрдамида ростланилади.



1.9-расм. “Бюлер” фирмаси қобиқ ажратгичи валецлари юритмаси
схемаси:

1 – секин ҳаракатланувчи валец; 2-таянч рама; 3 – контрюритма; 4- пневмоцилиндр; 5-электродвигатель; 6-тез ҳаракатланувчан валец.

Бичли машинада кўп марта ва бир марта зарбалар билан ерёнгоқ қобиғини ажратиш. Бичли машиналарни сули, арпа, буғдой ва макка ерёнгоқларини қобиғини ажратишда ишлатилади. Бич айланма тезликлари арпа ва сули ерёнгоқларини қобиғини ажратишда 20 ... 22 м/с ва ундан ҳам юқорироқ бўлади.

Ерёнгоқ қобиғини ажратиш самарадорлиги бичлар ва ишчи юзалар оралиқ масофаларга, бич кўйилиши бурчакларига, ерёнгоқ намлиги ва бошқаларга боғлиқ. Бичли машиналарнинг авзалликлари: содда конструкция; юқори иш унумли, нисбатан электроэнергия сарфи кам; унда юқори намли

(13...14%) ерёнгоқларнинг ҳам қобиғини ажратиш мумкин. Шунинг учун бичли машиналарни ерёнгоқ қобиғини биринчи марта ажратишда қўлланилади. Машина камчиликлари: ядролари майдаланган ерёнгоқнинг миқдори кўплиги ва қобиқ ажратиш самарадорлигини ростлаш мумкин эмаслиги.

Ерёнгоқ қобиғини бир марта уриш билан марказдан қочма қобиқажратгичда ажратиш. Қобиғи ядро билан бирлашиб кетмаган, ядроси мурт эмас ерёнгоқларни самарали қобиғини ажратиш машинаси марказдан қочма қобиқажратгичлар ҳисобланади. Бундай машиналарда қобиқ ажратиш ротор радиал каналларида марказдан қочма куч таъсирида ҳайдалиб қайтарувчи декага урилиши натижасида бажарилади.

Россияда икки типдаги қобиқажратгичлар конструкциялари ишлаб чиқилган: А1 – ДШК -1 ва А1 – ДШК – 2. Қобиқажратгич А1 – ДШК – 2 маҳсулотни ҳайдаш канали ташкил этадиган парракли ротор ва қайтариш ҳалқаси (дека) га эга. (1.10 - расм).

А1 – ДШК – 1 машинаси учта кетма – кет қайтарувчи ҳалқалар билан жойлашган роторлари билан фарқ қилади. Уч марталаб ерёнгоқга ишлов бериб қобиғини ажратиш роторлар қўлланиш тезлигини камайтириш имкониятини беради, бу эса каналларнинг ейилишини камайтиради.


Аммо, бу машиналарда ротор айланиш тезлигини бир маромда ўзгартириб ерёнгоқ қобиғини ажратиш самарадорлигини ростлаш кўзда тутилган. Ерёнгоқнинг қобиғи ажраши учун ерёнгоқни қайтарувчи ҳалқага уриш тезлиги унинг намлиги, унинг тайёрланиши, ҳамда нави хусусиятларига боғлиқ ва 40 ... 50 м/с.

Бундай қобиқ ажратгичларнинг авзалликлари: юқори технологик самарадорлиги, нисбат энергия сарфи камлиги. Камчиликлари – ишчи органлари: парраклари ва қайтарувчи ҳалқаларнинг тез ейилишидир. Шунинг учун парракларни сменали қилади, қайтарувчи ҳалқа вертикал йўналишда зонаси кенглигини ва ҳалқа узоқ муддатга хизмат қилишни катталаштиради.

Бундай қобиқ ажратгичларни такомиллаштириш ротор рационал

ўлчами ва шаклини аниқлаш ишчи органларининг ейилишга чидамлилигини катталаштириш, ротор айланиш тезлигини ростлаш учун ишончли вариантлардан фойдаланиш асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Хориж қобиғини ажратгичлари юқорида таърифлари келтирилган конструкциялардан принципиал фарқларга эга эмас. Баъзи хорижий конструкциялар қобиғини ажратгич ва қипиғини ажратиш учун аспиратор билан комбинациялаштирилган, шу билан бирга, вентилятор рулини қобиқаажратгич ротори бажаради.



1.10 – расм. А1 – ДШҚ – 2 марказдан қочма қобиқаажратгич схемаси:

1 – станина; 2 – пастки роликподшипник; 3 – ротор вертикал вали; 4 – юқориги подшипник; 5 – корпус; 6,10 – қайтарувчи ҳалқа; 7 – айлана ҳалқали тирқиш; 8 – тақсимлаш қаноти; 9 – ротор; 11 – корпус; 12 – электродвигател; 13 – юритма понасимон тасмалари.


Ерёngoқ қобиғини интенсив ишқаланиш натижасида аста – секин қобиғини олиш билан ажратиш.

Ерёngoқ қобиғини ажратиш учун асосий машина А1 – ЗШН. У нафақат ерёngoқ қобиғини ажратиш, балки ерёngoқларни шлифовкалашда ҳам

ишлатилади. Қобиқажратгич – шрифовкалаш машинаси ишчи органлари – айланувчан вертикал вал ва унга маҳкамланган олти – етти абразив дисклар (1.11 - расм). [<http://www.edd.ru>, <http://www.mcsa.ac.ru>]

Дисклар билан вал перфорация қилинган цилиндр билан ўралган, уўз навбатида цилиндр шаклидаги корпусга маҳкамланган.

Қобиғи ажратиши керак бўлган ерэнгоқлар қабул қилгич патрубogi орқали ишчи зонага диск ва элакли цилиндрга тушади, у ерда айланаётган дискларга, элакли цилиндрга ва ўзлари бир – бирига ишқаланиши натижасида ерэнгоқ ташқи қобиқлари ажралади. Ишқаланишда яна сезиларли



1.11 – расм. А1 – ЗШН – 3 қобиқажратгич – шрифовкалаш машинаси схемаси: 1- қабул қилиш қурилмаси; 2- қувурвал; 3 – абразив диск; 4 – элакли цилиндр; 5 – корпус; 6 – электродвигател; 7 – юритма; 8 – шибер; 9 – патрубок.

миқдорида иссиқлик ажратилади: маҳсулотни ва машина ишчи органларини совутиш ва ерэнгоқ ва қобиғини ажратиш учун камера хаво оқими билан

шамоллатилади. Ҳаво қувур – вал ичидан тешиқлар орқали, дисклар оралиғи, элак ва қишиқлари билан ташқарига чиқарилади[23-28].

Ишчи камерада ерёнгоқнинг ҳаракатланиш тезлиги ва натижада унга ишлов бериш давомийлигини ростлаш клапан чиқариш қурилмасидаги ёрдамида ростланади. Машинада ҳаво оқими машина асосий валида жойлашган вентилятор билан, ёки машина корпусларидаги ҳаво пуркагичларни марказий аспирация тармоғига улаш билан таъминланади.

Бу машинанинг авзалликлари: маҳсулот қобиғини яхшилаш сифатида ажратиш, ядроларнинг шикастланиб чиқиш нисбатан кичик.

Камчиликлари: электроэнергия сарфи катта, ишчи органларининг, кўпроқ перфорацияланган цилиндрнинг тез ейилиши ҳамда тозалаш қурилмалари асосан механик усулга асосланганлиги. Қобиғини ажратиш машиналарини такомиллаштириш асосий йўналиши ишчи органлар ейилишига чидамлилигини оширишдир.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб фермер хўжаликлари учун энергия ва ресурс тежамкор кичик механизация воситаларини яратиш ва босим оситида ишлов бериш методикасини ишлаб чиқиш долзарб хисобланилади.

Шу сабабли Республикамиз шароитига мослаб фермер хўжаликлари учун кичик иш унумдорли, металл ва энергия сиғими кам босим ва вакуумни қўллаш имконияти бўлган ерёнгоқли экинлар қобиқларини ажратиш машинасини яратиш бўйича ишлар олиб боришни тақоза қилади.

Камчиликлари: электроэнергия сарфи катта, ишчи органларининг, кўпроқ перфорацияланган цилиндрнинг тез ейилиши ҳамда тозалаш қурилмалари асосан механик усулга асосланганлиги. Қобиғини ажратиш машиналарини такомиллаштириш асосий йўналиши ишчи органлар ейилишига чидамлилигини оширишдир.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб фермер хўжаликлари учун энергия ва ресурс тежамкор кичик механизация воситаларини яратиш ва босим оситида ишлов бериш методикасини ишлаб чиқиш долзарб

хисобланилади.

Шу сабабли Республикамиз шароитига мослаб фермер хўжаликлари учун кичик иш унумдорли, металл ва энергия сиғими кам босим ва вакуумни қўллаш имконияти бўлган ерёнгоқли экинлар қобикларини ажратиш машинасини яратиш бўйича ишлар олиб боришни тақоза қилади.

II БОБ. Тадқиқотнинг шароити ва услуби

2.1. Тадқиқотни бажариш шароити

Тадақиқотни бажариш асосан «Қишлоқ хўжалик машиналари» кафедраси лабораториясида амалга оширилади. Бошлангич назария ва экспериментал тадақиқотлар асосида ер ёнғоқ қобиғини ажратиш, пўстлоқ ажратиш жараёнида вакуум ва босимдан фойдаланиш имконияти бўлган ер ёнғоқ қобиғини ажратиш қурилмасининг конструктив - технологик схемаси. Ишчи чизмалар асосида дастлабки тажриба намунаси тайёрланади. Тажриба намунаси лаборатория шароитида йиғилади, ишлатиб кўрилади ва бошлангич экспериментлар ўтказилади.

Эксперимент тадақиқотлар учун материаллар. Экспериментал тадақиқотлар ўтказиш учун материал танлаш қатор талабларга боғлиқ. Тадақиқотлар ўтказиш учун материал оддий кимёвий таркибга эга бўлиши, юқори даражада ўрганилган бўлиши керак. Асосий талаблардан бири қобиғи ажратилиши керак бўлган материалларнинг бир хил бўлиши, яъни унинг баъзи ўлчамларини: изотермик ўлчамлари ва бўлакча шакли, эркин юзаси юқори аниқликда аниқлаш керак.

Асосий материал сифатида ер ёнғоқ материаллари олинди ва асосан мақсадли экспериментлар ер ёнғоқ донлари билан олиб борилди.

Бу масалани ечишнинг истиқболли йўналишларидан бири вакуум ва босимдан фойдаланиб материал донларига шикаст етиштирмай ажратиш имкониятига эга бўлган қурилмани ёки бутунлай янги принципларни қўллаб машина яратишдир.

2.2 Тадақиқотнинг мақсади, вазифалари ва объекти

Тадақиқот мақсади — кичик чорвадор деҳқон ва фермер хўжаликлари учун ер ёнғоқ ва юмчоқ пўстлоқли мевали экинлар қобиқларини ажратиш учун энергия ва ресурс тежамкор сиғими паст ва ажратилган мева донларига

чикаст етиштирмай ажратиш имконини берадиган вакуум ва босимни қўллаб ишлайдиган ажратгичнинг конструктив-технологик схемасини ишлаб чиқиш ва асосий ўлчамлари ҳамда режимларини асослашдир.

Тадқиқот вазифалари - мавжуд дон қобиқ ажратгичлар конструкцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- қобиқ ажратгичлар конструкцияларини такомиллаштириш замонавий тенденцияларини аниқлаш;

- ҳозирги кунда ишлатилиб келатган мавжуд ажратгичлардан фойдаланиш истиқболларини баҳолаш;

- фермер хўжаликлари учун ер ёнғоқ ва юмшоқ пўстлоқли мевали экинлар қобиқларини ажратиш машиналарига бўлган талабни ўрганиш;

- ажратгичнинг конструктив-технологик схемасини ишлаб чиқиш;

- тажриба намунасини тайерлаш учун ишчи чизмаларини ишлаб чиқиш;

- тажриба намунасини тайерлаш;

- экспериментал ва назарий тадқиқотлар олиб бориш; асосий ўлчамлари ва режимларини асослаш, самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқот объекти – ер ёнғоқ ва юмшоқ-пўстлоқли мевали экинлар қобиғини ажратиш қурилмасининг технологик жараёни.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб биз томондан ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедрасида ер ёнғоқ ва юмшоқ-пўстлоқли мевали экинлар қобиғини ажратиш қурилмасининг конструктив-технологик схемаси ишлаб чиқилди. Ер ёнғоқ қобиғини ажратиш қурилмасининг конструктив-технологик схемаси ишлаб чиқилди ва 12-расмда келтирилган.

2.3 Тадқиқот услуги

Эксперимент – тадқиқотлар мақсади. Ажратиш қурилмаси органлари оптимал ўлчамларини ва ишчи режимларини тажриба билан текшириш ва қабул қилиш ва уларнинг юқори иш унумини ва сифатини таъминлаши экспериментал тадқиқотлар мақсади этиб олинган эди.

Эксперимент – тадқиқотлар дастури. Шу билан боғлиқ лаборатория тадқиқотлари дастурига қуйидагилар киради:

- ажратиш жараёнига айрим конструктив элементлар таъсирини ўрганиш;

- босим миқдорининг ва босим остида пўстлоғи ажратиладиган материални ушлаб туриш вақти пўстлоғи ажратилган материал сифатига таъсирини ўрганиш;

- ажратиш жараёнининг энергетик параметрларини аниқлаш.

- юмшоқ-пўстлоқли кишлоқ хўжалик экинлар қобиғини ажратиш учун курилмани синаш учун макет намунасини ишлаб чиқиш.

III БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

3.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов бериш учун босимни қўллашни назарий тадқиқ қилиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов бериш учун босимни қўллаш услуги истикболи механик услубда эришиб бўлмайдиган юқори кўрсаткичли натижаларни олиш ҳисобланилади. Масалан, механик услубда дон қобиқларини тозалашда доннинг синмаслиги ва шикастланиши олдини олиб бўлмайди, пояли озукаларни тайёрлашда озука массасида толали таркиб олиб бўлмайди, илдиз меваларни тўпроқдан тозалашда - уларнинг шикастланиши олдини олиб бўлмайди.

Пневмосистемаларни инженерлик ҳисоблаш сиғимларни бўшатишда (тўлдиришда) ҳаво тезлигини ва сарфини аниқлашни ўз ичига олади. Бу ҳисоблашлар ҳаво сиқилиши натижасида суюқликларни ҳисоблаш билан солиштирганда анча мураккабдир. Чиқиш тешиги ва махсус чиқишга мўлжалланган жойлардан маҳсулотнинг ҳаво билан биргаликда чиқиш жараёни учун ҳисоблашлар янада қийинлашади, чунки ҳаво оқимининг сарфи тавсия этилаётган қийматига нисбатан ҳаво тезлиги ва ҳаво-маҳсулотли оқим сарфи коэффициентлари сезиларли фарқ қилади.

Ишлов бериладиган маҳсулот (мисол учун, ерёнғоқ) бошланғич шартда сиғимдан ҳаво билан бирга чиқмаслиги, бошаниш моментида ҳавонинг сиғимдан чиқиши кичик тешикча орқали чиқишини кўриб чиқамиз. Бошланғич момент учун қабул қиламиз: P_0 , ρ_0 , T – сиғим ичидаги ҳаво босими, зичлиги ва ҳарорати.

Бернулли тенгламасидан [49]:

$$\frac{\rho_0 v^2}{2} + \rho_0 gh + P = const,$$

ҳаво оғирлик босимини ρgh ҳисобга олмаса ҳам бўлади, унда сиғим ичидаги тўлиқ босим (напор) тезлиги ва чиқишдаги статистик босимдан ташкил топади:

$$\frac{\rho_0 v^2}{2} + P = P_0 .$$

Чунки ҳаво учун сиқилган газга ўхшаш

$$\frac{g^2}{2} + \left(\frac{\kappa}{\kappa - 1} \right) \frac{P}{\rho_0} = \frac{P_0}{\rho_0}$$

бу ерда $\kappa = \frac{C_p}{C_v}$ - адиабата кўрсаткичи,

бунда C_p ва C_v - $P=\text{const}$ и $V=\text{const}$ бўлганда ҳавонинг нисбий иссиқлик сифими.

Бундан тешик ёки махсус ҳаво чиқиш жойи қаршилигини ҳисобга олмаган ҳолда оламиз:

$$g = \left\{ \frac{TR}{M} \cdot \frac{2\kappa}{\kappa - 1} \cdot \left[1 - \left(\frac{P}{P_0} \right)^{\frac{\kappa-1}{\kappa}} \right] \right\}^{\frac{1}{2}}$$

ёки

$$g = \left\{ \frac{2\kappa}{\kappa - 1} \cdot \frac{P}{\rho_0} \cdot \left[1 - \left(\frac{P}{P_0} \right)^{\frac{\kappa-1}{\kappa}} \right] \right\}^{\frac{1}{2}}$$

Агар ташқи муҳитдаги ҳаво босими нолга интилса, унда тезлик ўзининг назарий чегарасига интилади

$$g_{\max} = \sqrt{\frac{2\kappa}{\kappa - 1} \cdot \frac{P_0}{\rho_0}}$$

$\frac{P_0}{\rho_0}$ муносаботи газ кенгайиши даражаси дейилади ва у қийматини

нолдан биргача қабул қилиши мумкин, ҳамда оралиқда критик ҳолатни қабул

